

ШАХС ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАДАНИЯТИНИНГ ГНОСЕОЛОГИК ВА ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ОИД ЖИҲАТЛАРИ

Астонова Гўзалхон Раҳмоналиевна

Фарғона давлат університети ўқитувчиси

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар:

интеллектуал маданият, жамият, гносеология, капитал жамият, интеллектуал компетентлик, цивилизация, структуравий капитал

Аннотация

Мақолада интеллектуал маданиятнинг ўз олдига билиш фаолиятини режалаштириб борувчи, уни турли усуллар билан амалга оширувчи, манба ҳамда турли воситалар билан ишлашин мақсад қилиб олувчи ақлий меҳнат эканлиги илмий асосланган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Глобаллашув шароитида жаҳон ҳамжамияти интеллектуал ўзгаришларни ўз бошидан кечирмоқда. Чунки айнан интеллектуал маданият шахс, ташкилот, социумнинг ривожи ва такомилини таъминлайди. Аввало, фан ва техника ривожланиши натижасида интеллектуал капитал жамият маънавий бойлигига айланмоқда. Уни шакллантириш мумкинлиги тўғрисида эса барча давлат ташкилотлари, таълим муассасалари раҳбарлари бош қотирмоқда. Шу мақсадда ҳар бир мамлакат интеллектуал элитасини шакллантиришнинг энг самарали усул ва методларини ишга солмоқда. Масалан, ҳатто миллий олимпия командалари 50% машқлар вақтини интеллектуал чидамилийка сарфлайди. Америка Кўшма Штатлари, Япония компаниялари катта миқдордаги молиявий маблағларни технологиялар билан шуғулланувчи персоналнинг интеллектуал саводхонлигига, малака оширишига сарфлашади.

Жамият тараққиёти давомида инсонда турли қобилияtlар мажмуаси таркиб топиб боради. Уларнинг барчаси инсоннинг мустақил меҳнат фаолияти ва тарихий тараққиёт даврида инсоният томонидан яратилган билимларни ўзлаштириш жараёни намоён бўлади. Натижада турли фаолият кўринишларига нисбатан маҳсус ва умумий қобилияtlар фарқланади. Шахс умумий қобилият “иктидор” тушунчаси билан: хорижда эса интеллект тушунчаси билан бир мазмунда деб қабул қилинган. Фақатгина умумий ва маҳсус қобилияtlарнинг яқдиллиги шахс иктидорини ташкил этиши мумкин. Намоён бўлишидаги серқирралигига қарамай у ўзининг ички бирлигини сақлаб қолади. Бунга ижтимоий ҳаётдан мисоллар келтириш мумкин. Шахс бир фаолият соҳасида ютуқларга эришгандан кейин бошқа ишга ўтганида ундаги янги қобилияtlар юзага чиқа бошлайди. Шу билан бирга умумий иктидор шахс тараққиётининг асосигина бўлиб қолмай, унинг фаолияти натижаси ҳамdir.

Шахс қобилияti доимо умумий ва маҳсус қобилияtlар йигиндиси сифатида шаклланиб боради ва уларни бир-бирига қарма-қарши қўйиш мумкин эмас. Улар орасида фарқлар ҳам, бирлик ҳам мавжуд. Бу фикр умумий ва маҳсус ақлий қобилияtlарига, умумий иктидор ва маҳсус

қобилиятларнинг ўзаро муносабатига ҳам тегишлидир. Махсус қобилиятлар ҳисобига, айниқса яққол намоён бўлувчи иқтидор асосида шахснинг умумий имконияти, бетакрорлиги шаклланади, умумий иқтидор эса шахснинг махсус қобилиятда акс этади. Умумий иқтидор ва махсус қобилиятлар бу ерда бир-бирини тўлдиради: улар бир бутуннинг икки элементидир. Шу билан бирга, шахсда намоён бўладиган умумий иқтидор махсус қобилиятларсиз ёки махсус қобилиятлар умумий иқтидорларсиз бўлиши мумкин. Умумий иқтидор ва махсус қобилиятлар орасидаги ўзаро муносабатлар шахс фаолиятида намоён бўлади. Шахс қобилиятида лаёқат ва техникалар қанчалик мухим рол ўйнаса, махсус қобилият ва умумий иқтидор орасидаги оралиқ масофа шунчалик кам ёки кўп бўлиши мумкин. Шахсдаги махсус қобилият “техник” характерга эга бўлса, у умумий иқтидор билан боғлиқ бўлади. Жумладан, ижрочилик – виртуал қобилиятлари яхши ривожланмаган мусиқачиларнинг ақлий даражаси юксак бўлмаганлигини кўришимиз мумкин. Лекин умумий дунёвий билимларга эга бўлмай туриб, буюк мусиқачи ёки рассом бўлиши мумкин эмас. Шахсда махсус қобилият қанчалик юксак даражада бўлса, бу умумий иқтидордан далолатdir.

Интеллектуал маданият инсон интеллектининг ва унинг тузилмавий компонентлари хусусиятларини ва улар ҳақидаги махсус билимни талаб қиласи. Булар: хотира, эътибор, ижодий фикрлаш, интеграциялашган фан сифатидаги интеллектологиянинг ташкил бўлишидир. Интеллектуал саводхонликнинг зарурый компоненти бу фикрлаш операцияларининг ва рефлексив ҳаракатларнинг яхлитлигидир.

Ёшларда юксалтириш лозим бўлган интеллектуал маданиятнинг ички тузилмасига қўйидагилар киради:

- интеллектуал компетентлик, у кенг шахс дунёқараси, социумда ҳаётий фаолият олиб боришга тайёр интеллектуал тайёргарлик, интеллектуал универсалликлар тизими;идир;
- интеллектуал лаёқатлар ва улар асосида ривожланган интеллектуал қобилиятлар тизими;
- ўз-ўзини рефлексия қилиш асосида шакллантирилган тушунчалар;
- интеллектуал тизимда шахс адаптациясини таъминловчи мухим сифатлар мажмуаси.

Ёшлар интеллектуал маданиятининг асосий функциялари: гносеологик, гуманистик, коммуникативлик, информацион, тарбияловчи ва ижтимоий-нормативдан иборатdir. Методологик билимлар тизими нуктаи назардан интеллектуал маданият юксалиш жараёни: аксиологик, технологик, шахсий-ижодий, когнитивкомпонентларда намоён бўлади. Бундай ҳолатда шахс ижодий тафаккур воситасида янгилик яратади, хилма-хил муаммоларни қўяди ва ҳал қиласи, уларнинг ўзига хос ечимларини, баъзан бундай ечимларга нисбатан бетакрор ёндашувлар, усууллар, методлар топади. Шахс тафаккурининг ижодий характеристи унинг ижтимоийлашувини таъминлайди.

Инсоният цивилизацияси тарихи шундан далолат берадики, жамият ҳамма даврда интеллектуал ва ижодий потенциални юксак даражада ўзида мужассамлаштирган, буюк истеъодод ва қобилият эгаларига эҳтиёж сезиб келган. Жамиятнинг идеали сифатида олий ибрат намунаси бўлган кишилар ва уларнинг сермазмун фаолияти ҳамма вақт ижтимоий-тарбиявий аҳамият касб этган. Ўзбекистон жамиятида узок давр мобайнида таълим-тарбия, интеллектуал ва маданий қадриятларнинг эҳтиёткорона сақланиб, доимо муҳофаза қилиниб, ривожлантирилиб баркамол авлодни тарбиялашда юксак маънавий омил бўлиб келган.

Интеллектуал маданият жамиятнинг тегишли интеллектуал соҳаси тараққиёти, шунингдек, конкрет шахснинг ақлий ва аналитик қобилияларига боғлиқ бўлади. Мамлакатнинг истиқболи, мунтазам тараққиёти баркамол, интеллектуал салоҳиятли авлодни шакллантириш ва унга узлуксиз таълимберишга боғлиқ, бунга Республикаиздаги ижтимоий-тарихий тараққиётнинг тезкор суръатлари, фан-техника ва технологиялар соҳаларида қўлга киритилаётган ютуқларнинг

таълим-тарбия соҳасига жорий этилиши асос бўлмоқда. Бу асослар ўз Ватанини ва халқини севадиган, миллий мафкурамизга садоқатли, мустақил фикрлайдиган ижодкор шахсни шакллантиришдек муаммо ечимини ҳал этишни тақазо қиласди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси ва узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш борасидаги бошқа меъёрий хужжатларида интеллектуал салоҳиятли, маънавий баркамол авлодни шакллантириш давлат аҳамиятига молик муҳим масалалардан эканлиги таъкидланган. Айниқса, халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шарти эканлиги асосланган.

Янги тараққиёт босқичи мазмуни, моҳияти ва мақсадлари асосида рўй берадиган тараққиётимизнинг ҳозирги босқичи ижтимоий, иқтисодий жараёнларнинг мураккаб узвий алоқадорлиги асосида содир бўлмоқда, оқибатда жамиятимизда ижодий фикрловчи, интеллектуал ривожланган, рақобатбардош кадрларни тайёрлашга ижтимоий эҳтиёж ортиб бормоқда.

Демократик ислоҳотлар шароитида ижтимоий-иктисодий муаммолар глобаллашиб, инсоният ҳаёти, авваламбор, умумбашарий ва планетар зиддиятларга боғлиқ бўлиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти бу борада шундай ёзади: “Албатта, биз мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, мустақил ҳаётий позицияга эга бўлган ёшларни тарбиялаш бўйича катта ишларни амалга ошироқдамиз. Аммо холисона тан олиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда бутун дунёда аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун қандай кескин кураш бораётганини, диний экстремизм, терроризм, гиёхвандлик, “оммавий маданият” каби таҳдидлар кучаяётганини ҳисобга оладиган бўлсак, фарзандларимиз тарбияси, маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизни бир зум сусайтирмасдан, аксинча, уларни янги босқичга кўтаришимиз зарур”.

XXI аср бошида жаҳонда нафақат молиявий-иктисодий, шунингдек, энергетик инқирознинг чукурлашуви ва кенгайиши ҳам кузатилмоқда, бу эса барча фанлар вакиллари олдига янги энергия манбаларини излаб топиш, демографик ҳолат, экологик танглик билан юзага келаётган мураккаб муаммоларни илмий асосда ҳал этиш вазифасини қўймоқда.

Глобаллашув билан боғлиқ муаммолар, ўз навбатида, жаҳондаги мавжуд интеллектуал имкониятларни бирлаштириш, инқирозли ҳолатларнинг илмий ечимини топишни тақозо қиласди. Бироқ, ҳозирги давр жаҳон ҳамжамиятининг энг таҳликали муаммоси бу – инсониятнинг бугунги тамаддуни мухитида кечайётган ижтимоий ҳаёти, турмуш тарзини яхшилаш ҳисобланади. Бинобарин, ижодкор шахснинг борган сари истеъмолчи инсонга айланиб бораётганлиги ташвишли ижтимоий жараёнларнинг бошланишига сабаб бўлмоқда.

Глобал молиявий, экологик инқирозни бартараф этиш ҳам, табиийки, инсон фаолиятига, интеллектуал савиясига боғлиқ. Бугунги локал муаммоларнинг планетар тугунлар билан боғланиб мураккаблашиб кетганлигини англаш ва уларни ҳал қилишнинг илмий, иқтисодий имкониятларини топишимиш лозим. Бинобарин, жамиятни ўзгартириш учун юксак интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялаш тақозо қилинади. “Мамлакатимизда илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун аввало ёш, иқтидорли кадрлар зарур”. Шу маънода жамият ва шахснинг интеллектуал салоҳияти, илм-фан соҳасида эришган оламшумул ютуқлари баркамол инсонни тарбиялашда муҳим омил ролини бажаради. Бу жараёнда узлуксиз таълимнинг юксак ижтимоий ўзгартирувчанлик табиати ҳар бир одамда генетик қобилиятларни тўла қонли рўёбга чиқариши, кишиларда рационал танқидий тафаккурни ривожлантириш, уларни ҳозирги замон фани, техникаси ва технологияси ҳақидаги аниқ билимлар билан куроллантириш лозим. Шу маънода глобаллашув шароитида ижтимоий фанлар инқироздан чиқишининг энг фаол иштирокчисидир. Шу боис “гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар тамонлама қўллаб-

қувватлашимиз лозим”. Айнан илм-фан орқали ёшларда интеллектуал қобилиятларни тарбиялаш, уларни ижтимоий тараққиётнинг даъваткор омилига айлантириш имкониятлари мавжуд.

Инсоният тараққиёт босқичлари давомида интеллектуал бойлик яратиш тизимидан самарали фойдаланиб келмоқда. Дастрлабки бундай бойлик яратувчи тизим аграр цивилизация эди. Жамият иқтисодиётида қарорлар қабул қилишда жуда ҳам оз микдорда илмий асосланганлик бизнинг яратувчанлик қобилиятимизни глобал кўламда ўзгаришига олиб келди. Натижада ХХI аср ижтимоий прогрессив тараққиётининг мазмунини ҳамкорлик ва “интеллект механизми”, замонавий ахборотлашган жамиятнинг зарурый, моддий ва маънавий бойлик яратиш асосини илмий билимлар ва тизимли ахборотлар ташкил этади. Шу сабабли интеллектуал маданият масалалари, унинг ҳуқуқий асосини ташкил қилувчи конунлар илмий билимлар ривожланишига эмас, балки бутун жамият тараққиётига дахлдор муаммога айланиб қолди. Интеллектуал маданият шаклланишига фақатгина ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий нуқтаи назардангина эмас, балки фалсафий ёндашув ҳам зарурдир. Масаланинг фалсафий таҳлилида интеллектуал маданиятнинг асослари, унга алоқадор бўлган билимларнинг ўзаро трансформацияси, объективация ва генерация жараёнларига бўлган таъсирига эътибор қаратилади.

Фалсафий адабиётларда шахс интеллектуал маданияти инсоний ва структуравий капиталдан иборат эканлиги қайд этилган. Инсоний капитал билим, турли ижодий қобилият, малака, ахлоқий қадрияларни ўз ичига олади. Структуравий капитал эса техникавий ва дастурний таъминот, ташкилий асослардан иборатдир.

Хозирги даврда ижтимоий фалсафа доирасида интеллектуал маданиятнинг гносеологик ва ижтимоий тараққиётга оид жиҳатлари ўрганилмоқда. Интеллектуалликнинг мантикий-гносеологик таҳлилида интеллектуал маданият ўзига хос маънавий “объект-субъект” сифатида намоён бўлади. Бунда интеллектуал маданиятнинг инсоний капитал қисмига эътибор берилади. Бу мулкка эгалик қилувчилар асосий субъект сифатида қаралиб, мазкур субъектларнинг ўзаро муносабати таҳлил этилади. Қайд қилиш лозимки, билимлар генерацияси ва ижод жараённида ҳам интеллектуал маданият муносабатлари уйғунлиги мавжуддир. Бу ижод жараёнининг натижасида эмас, балки ижодий лаёқатнинг дастрлабки босқичларида ҳам намоён бўлади. Яъни, инновацион билимлар вужудга келишида ижодкор албатта интеллектуал маданиятга эга бўлади.

Ижтимоий билимларнинг объективация ва генерация қилиш асосида қуйидаги интеллектуал маданият турлари шаклланади: субъектга бевосита тегишли маълум билимларга асосланган интеллектуал маданият, субъектнинг янги яратилган билимларга асосланган интеллектуал маданияти, объективация қилинган олдиндан маълум билимларга асосланган интеллектуал маданият ва объективация қилинган янги яратилган инновацион билимларга асосланган интеллектуал маданият.

Цивилизация тараққиётининг ҳозирги босқичи шундан далолат берадики, эндиликда оммавий истеъмол жамияти ўрнини ахборотлашган жамият эгаллади.

Ахборотлашган жамият қуйидаги белгиларга эга:

- ижтимоий ҳаётнинг суръатлари кескин ўзгариб бормоқда: “вақт ва фазо қисқалиги” тўғрисида гапириш одатга айланмоқда, янги ахборотлар тизимининг пайдо бўлиши билан уни инсон ўзлаштириши ўртасидаги “масофа” қисқармоқда;
- фуқаролик жамияти ривожланишида информацийнинг қайта ўзгариш, мураккаблашув тизими муҳим соҳани ташкил этмоқда;
- информацион оқимлар суръати ва ҳажмининг шиддати, катталиги хомашё ва энергияга бўлган ижтимоий эҳтиёжнинг камайишига олиб келмоқда;

- ишлаб чиқаришда бирламчи омилни капитал эмас, балки инновацион билимлар ташкил қилмоқда;
- жамият ривожланишини таъминлашда асосий технологияни машиналар эмас, балки ташкилий, тезкор, инновацияга таянган информацион жиҳатлар қамраб олмоқда;
- инсон замонавий информацияларнинг пассив идрокчиси эмас, фаол қайта яратувчи, ижодкори сифатида гавдаланмоқда;
- инсон иштироки бўлмаган технологиялардан самарали фойдаланишга асосланган ижодий меҳнат маданияти, билимни ошириш, хордиқ чиқаришдан холи этмоқда;
- сиёсатга қараганда узлуксиз таълим тизими фуқаролик жамияти ҳаётида муҳим ўрин эгалламоқда;
- жамиятнинг аксар қисми олий таълим олиш билан шуғулланмоқда;
- фуқаролик жамияти ривожида муҳим омил таълим ва соғлиқни сақлаш тизимига борган сари кўп моддий маблағ сарфланмоқда;
- инновацион билимларнинг муайян категорияси ўзгармоқда, билимларни шунчаки эгаллашдан кўра жамиятни илмий асосланган билимлар орқали бошқаришга ўтиш юз бермоқда;
- узлуксиз таълимнинг асосий натижасини билимлар мажмуаси эмас, балки тафаккур усуслари ва ижодий ёндашилган фаолият усуслари ташкил қилмоқда;
- интеллект жамиятнинг қонун, суд, информацион маданият каби шаҳобчаларини ҳам қамраб олди;

Умуман олганда, янги инновацион, информацион технологиялар мавжуд ижтимоий, иқтисодий турмуш тарзини мутлако ўзгаририб юборди ва жамиятнинг кескин зиддиятлар таъсирида юз бераётган бутун ижтимоий структурасини қайта қуришда муҳим омил бўлди. Дарҳақиқат, ҳозирги даврда билим ва ахборотларнинг эркин алмашинуви, уларнинг эркин ҳаракати фақатгина биргина интеллектуал маданиятга боғлиқ бўлмай, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий тизим, юқори сифатли узлуксиз таълим, тўпланган мавжуд билимлардан барча жамият аъзоларининг эркин фойдалана олиш имкониятлари ва бошқа омилларга ҳам боғлиқдир.

Адабиётлар

1. Горчицкая Е.А. Интеллектуальная элита с позиций философии: структура и функции//Вестник Омского университета. 2011. №4. – С. 207–210.
2. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – Б.17.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.173.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28 декабрь 2018 йил. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б.40.
5. Тоффлер Э., Тоффлер Х. Революционное богатство. – Москва: Профиздат, 2008. – С.37.
6. Орехов А.М. Интеллектуальная собственность как объект философского исследования. Вестник Московского Университета. Серия 7. Философия. №1. 1997. – С.31-48.
7. Askarova, S. I. (2019). Bilingualism And Polylingualism: Aspect Of Linguistics Combining Different Sociocultural Communities. *International Journal Of Student Research*, (3), 76-79.
8. Ismailovna, A. S. (2021). Phonetic Interference Of Vowel Phonemes In Uzbek-Russian And Uzbek-

- German Bilingualism. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(4), 831-836.
9. Askarova, S. (2020). German Borrowings At The Level Of Vocabulary In The Conditions Of Uzbek-German And Uzbek-Russian Bilinguism (In Conditions Covid-19). *European Journal Of Molecular And Clinical Medicine*, 2943-2953.
 10. Askarova, S. 2. Überblick Zur Tätigkeit Von Josef Haslinger. In *Conference Paper “Modern Approaches And Methods Of Teacher Training” For German Language Teachers* (P. 3).
 11. Аскарова, Ш. И. Роль Первого Языка В Усвоении Детьми–Билингвами Системы Множественного Числа Имён Существительных Немецкого Языка.
 12. Аскарова, Ш. И. (2017). Использование Интерактивных Методов Преподавания На Занятиях Иностранных Языка. *Актуальные Научные Исследования В Современном Мире*, (5-2), 29-32.
 13. Аскарова, Ш. И. (2022). К Вопросу Грамматической Интерференции При Узбекско-Русском И Узбекско-Немецком Билингвизме. *Архив Научных Исследований*, 2(1).
 14. Asqarova, S. I. (2020). Terminology Of The Direction Of Language Contacts In Modern Linguistics. *Scientific Bulletin Of Namangan State University*, 2(11), 234-239.
 15. Mamadodilovna, M. N. (2021, November). Strategies For The Development Of Oral Speech In German. In *Archive Of Conferences* (Vol. 22, No. 1, Pp. 93-95).
 16. Mamadodilovna, M. N. (2022). Einsatz Der Kommunikationsstrategien Für Die Förderung Des Sprechens Im Daf-Unterricht. *Berlin Studies Transnational Journal Of Science And Humanities*, 2(1.5 Pedagogical Sciences).
 17. Мерганова, Н., & Кодиров, Ш. (2017). Использование Песен На Уроках Иностранных Языка. *Актуальные Научные Исследования В Современном Мире*, (5-2), 61-64.
 18. Mamadodilovna, M. N. (2021, November). Strategies For The Development Of Oral Speech In German. In *Archive Of Conferences* (Vol. 22, No. 1, Pp. 93-95).
 19. Mamadodilovna, M. N. (2022). Einsatz Der Kommunikationsstrategien Für Die Förderung Des Sprechens Im Daf-Unterricht. *Berlin Studies Transnational Journal Of Science And Humanities*, 2(1.5 Pedagogical Sciences).
 20. Mukhtorovna, Y. S. (2021). Regularly Used Phrasal Verbs German Language. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 673-680.
 21. Inter, F. L. I. (2017). An International Multidisciplinary Research Journal. *An International Multidisciplinary Research Journal*, 41(43).
 22. Yusufjonova, S. (2020). Comparative Analysis Of Phrases In Uzbek And German. *Theoretical & Applied Science*, (2), 590-592.
 23. Yusufjonova, S. (2021). Certain Linguistic Peculiarities Of Phraseological Units. *Scientific Bulletin Of Namangan State University*, 2(2), 289-293.
 24. Mukhtorovna, Y. S. (2022). Historical Development Of Translation Of Phraseologicalunits. *International Journal Of Culture And Modernity*, 14, 20-29.
 25. Teshaevich, D. I. (2022). Scientific-Theoretical Bases And Principles Of Speech Etiquette Units In World Linguistics (“Etiquette De La Parole”). *International Journal Of Culture And Modernity*, 14, 39-42.
 26. Raxmonalievna, A. G. (2022). Lexical Units Related To The Education System In A Comparative Study Of Different Languages. *Spanish Journal Of Society And Sustainability*, 6, 1-6.

27. Абкаримова, М. Б. (2021). Шахсиз Гапларнинг Функцияси Ва Уларнинг Ўзбек Тилидаги Таржимаси. *Scientific Progress*, 2(2), 1509-1513.
28. Гозалксон, А. (2020). Yozish Konimkasini Shakllantirish Usullari. *Наука И Образование*, 1(2), 400-404.
29. Жураева, М. Т. К., & Астонова, Г. Р. (2019). Использование Социальных Форм Для Повышения Эффективности Занятий (В Нефилологическом Направлении). *Вестник Науки И Образования*, (20-3 (74)), 20-22.
30. Астонова, Г. Р. (2020). Стихи И Песни Как Мотивационный Фактор В Изучении Немецкого Языка. *Проблемы Современной Науки И Образования*, (6-1 (151)), 88-90.
31. Астонова, Г. Р., & Жураева, М. Т. К. (2019). Развитие Письменной Компетенции Студентов На Уроках Немецкого Языка. *Проблемы Современной Науки И Образования*, (12-1 (145)), 99-101.
32. Астонова, Г. Р. (2021). Германиядаги Таълим Босқичлари Ҳақида Айрим Мулоҳазалар. *Eurasian Journal Of Academic Research*, 1(9), 273-277.
33. Астонова, Г. Р. (2021). Германия Бошлангич Ва Ўрта Таълимининг Ўзига Хос Жиҳатлари. *Eurasian Journal Of Academic Research*, 1(9), 95-98.
34. Астонова, Г. Р. (2021). Бошлангич Синфларда Олмон Тилини Ўқитишнинг Самарали Усуллари. *Scientific Progress*, 1(6), 1304-1309.
35. Rakhmonalievna, A. G. Z. (2019). Use Of Group Work At The Lessons Of The German Language. *Проблемы Современной Науки И Образования*, (12-2 (145)), 158-160.
36. Gozalxon, A. (2020). Yozish Konimkasini Shakllantirish Usullari. *Science And Education*, 1(2), 400-404.
37. Rakhmonalievna, A. G. (2022). Vocabulary Learning Strategies In German As Foreign Language Lessons. *American Journal Of Social And Humanitarian Research*, 3(1), 339-341.
38. Rakhmonalievna, A. G. (2021). The Role Of Creativity In Foreign Language Lessons. *International Journal Of Discoveries And Innovations In Applied Sciences*, 1(6), 103-105.
39. Rakhmonalievna, A. G. (2021). Importance Of Writing Skills In Early Foreign Language Lessons. *Web Of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(05), 607-610.
40. Raxmonalievna, A. G. (2022). Lexical Units Related To The Education System In A Comparative Study Of Different Languages. *Spanish Journal Of Society And Sustainability*, 6, 1-6.
41. Rakhmonalievna, A. G. (2021). System Of Vocational And Higher Education In Germany. *System*, 7(12).